ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРИХИ

Ўроқова Д.Қ.
Таянч докторант (PhD) (ТАҚУ)
https://doi.org/10.5281/zenodo.8325279

Аннотация: Ушбу мақолада қадимий Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихини антик давр манбалари орқали, археологик ёдгорликлар ёрдамида ўрганиш бўйича сўз боради.

Калит сўзлар: Шарқ мамлакатлари суҳорилиш тарихи, Талашкон ёдгорлиги, Марв шахрининг қадимда жойлашуви, археологик ёдгорликларнинг комплекси, қадимги суғориш тармоқлари, антик давр ёзма манбалари.

Кириш: Дунё ҳамжамиятида илк цивилизациялар дарё ва сув ҳавзалари бўйида вужудга келади. Масалан Қадимги Мисрда Нил ҳавзаси бўйида, Месопатамияда Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида, Ҳиндистонда Ҳинд ва Ганга дарёлари бўйида қадимги аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар-давлатлар вужудга келган. Суғорма деҳқончилик Шарқнинг барча катта кичик дарё ҳавзаларидан вужудга келгани каби Ўрта Осиёнинг марказидан оқиб ўтувчи дарё - Зарафшон дарёси хам қадимги деҳқончилик маданиятининг вужудга келишида,суғориш тармоқларининг ривожланишида ва сув иншоотларининг барпо этилиши ҳамда ирригация хўжалигининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ хисобланган.

Кўп Шарқ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида ирригация тизимлари муҳим ахамиятга эга бўлган.Бу худудларда ирригация тизимларини таъмирлаш қадимдан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб келган. Ирригация ва мелиорация ишларини ташкил этиш ва ривожлантириш барча даврларда деҳқончилик воҳалари халқлари ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга асосланган мамлакатлар тарихий ривожланишининг умумий қонуниятлари ва хусусиятларини таҳлил қилиб, илмий суғоришнинг жаҳон тарихий жараёнида ирригация тарихи ва ривожланиш ва уни мукаммалаштириш хам илмий хамда амалий ахамиятга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ: Ўрта Осиёнинг қадимги воҳаларининг суғориш ва ирригация ривожланиши тарихи босқичларини ўрганишда А. Ю. Якубовский бошчилигидаги Зарафшон экспедицияси каби йирик совет археологик ва этнографик экспедициялари катта рол ўйнади; М.Е.Массон раҳбарлигида; қазишмалар: Фарғона водийсидаги Б. А. Латинина (1930, 1932-1934); Г. В. Григорева Тошкент яқинидаги Кавунчи-тепа (1934-1937) ва Самарқанд яқинидаги Тали Барзу (1936-1939) аҳоли пунктларида; археологик назорат экспедицияси: Катта Фарғона каналида (М. Е. Массон, Я. Г. Ғуломов, В. Д. Жуков, Т. Г. Оболдуева, 1939); Тошкент канали (М. З. Воронец, А. И. Тереножкин, 1940) ва Каттақўрғон сув омбори (В. А. Шишкин, И. А. Сухарев, 1940)[1] шу каби тарихчи олимлар ўрганиб ўз фикр мулохазаларини қолдирди.

[1] “История орошения низовьев Зарафшана” А.Р.Мухамеджанов.1973. 7-б

1937 йилдан бошлаб суғориш ва суғорма деҳқончилик тарихини ўрганиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди: С.П.Толстов раҳбарлигидаги СССР ФА Хоразм археологик-этнографик экспедицияси; В. А. Шишкин бошчилигидаги археологик экспедиция (1937-1939, 1949-1954), Варахша аҳоли пункти ва унинг атрофини ўрганган, Я. Ғ. Ғуломов бошчилигидаги Махандарё археологик гуруҳи (1950-1970). Зарафшон ва Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги қадимий суғориладиган ерларда кенг кўламли дала тадқиқотлари олиб борган.[2]

Кейинги ўн йилликларда Марказий Осиёда суғоришнинг мисли кўрилмаган даражада кенгайиши муносабати билан Чимқўрғон, Жанубий Сурхон ва Туя-Буғуз сув омборлари зонасида, Чорвоқ ГЕСи қурилишида кенг кўламли археологик ишлар амалга оширилди. Эскиангар, Амубухоро, Амуқарши ва Марказий Фарғона каналлари йўллари бўйлаб дала разведкасини кўп йиллик стационар тадқиқотлар билан бирлаштирган ҳолда, ҳали ҳам фаол бўлган кўплаб археологик экспедициялар кўпинча археологик тадқиқотлар билан тўлиқ тегмаган кенг ҳудудларни ўргандилар. Уларнинг фаолияти натижасида тош давридан то охирги ўрта асрларгача бўлган турли даврларга оид кўплаб қимматли моддий маданият ёдгорликлари топилди. Археологик ёдгорликларни ҳар томонлама ўрганиш нафақат уларнинг тарихий даврийлигини аниқлаштириш, балки Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий тарихидаги муҳим муаммоларни қўйиш ва ҳал этишни сезиларли даражада илгари суриш, шунингдек, келиб чиқиши масалаларини ёритиш имконини берди.

Мил.ав. 1-минг йилликда Бактрия. Суғд ва Хоразмда хакикий шахарлар вужудга кела бошлади. Бактрия милоддан аввалги VI-IV асрларда Эрон ахамонийларининг катта вилоятларидан бири бўлган. Бактрия маданиятига оид Қизилтепа, Оқтепа ва Ҳайработтепа каби шаҳарларнинг майдони 10 гектардан 22 гектаргача бўлган. Улар арки- аъло ва шаҳар кисмларидан иборат бўлиб, бу икки кисм ҳам мустахкам мудофаа девори билан ўраб олинган. Октепа ва Ҳайработтепа шаҳарларининг топографик тархлари шуни кўрсатмоқдаки, аҳамонийлар даврида шаҳарлар кўриниши аморф шаклида бўлиб, маълум бир геометрияга асосланмаган холда бунёд этилган.[3]

Шеробод вохасидаги Талашкон ёдгорлиги харбий истехком калъалардан бири хисобланган. Бу ёдгорлик доира шаклида бўлиб, диаметри 135 метрга тенгдир. У 5 метрли девор билан ўралган ва ташқи томондан 15 бурж билан мустаҳкамланган. Қалъа дарвозаси мустаҳкам қилиб курилган. Ички кисмидаги уй-жойлар қалъа деворига тақаб қурилган. Ўртаси ховли сифатида очик колдирилган.[4]

Карши воҳасидаги Ерқўрғон, кадимий Самарканд (Афросиёб) бошка шаҳарлар Бактрия меъморчилигига ўхшашдир. Бу ўхшашликлар шу нарсада кўринадики, мил.ав. даврларда бу ҳудудлардаги шаҳарлар аморф шаклида бўлган. Тадқиқотчи Р.Муқимовнинг фикрига кўра кушонлар даврига келиб юнонларнинг таъсири натижасида Наҳшаб (Карши), Сўғд (Самарканд) ва Бақтрия шаҳарлари аниқ бир геометрик шакл, яъни туғри тўртбурчак, мурабба, доира ва бошка шаклларга эга бўлганлигини таъкидлайди.[5] Ҳукмдорлар қароргоҳи ҳар бир ўлканинг маркази

[2] “История орошения низовьев Зарафшана” А.Р.Мухамеджанов.1973.7-б
[3] Т.Маматмусаев. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши.-Т.:2019.-44 б.
[4] Ш.Шайдуллаев, Т.Аннаев. Сурхандарё тарихидан лавхалар.-Т.: 1997
[5] Мукимова С.Р. Основы сохранения и использования памятников архитектуры и градостроительства Таджикистана - Бишкек: 2011.

хисобланган. Уларнинг унвонлари турлича бўлган. Хоразм ва Термизда-шохлар, Бухоро, Вардана, Чагониёнда-худотлар, Сўғдда-ихшидлар. Фаргона ва Уструшонада-афшиналар, Хўжандда-деҳқонлар[6] деб юритилган деб айтиб ўтади тадқиқотчи Лавров.В.А ўзининг китобида.Бундан ташқари қулдорлик даври хам мавжуд бўлган ва у хам секин асталик билан ,яни III-IV асрларда қулдорчилик давлати таназзулга учрайди ва Ўрта Осиёда Хоразм, Сугд, Чоч сингари мустақил ва ярим мустакил сулолалар бошкарувидаги феодализм ривожланади. Дехкончилик, ҳунармандчилик ва савдо ривожланади, деҳқон-ер эгаларининг қасрлари пайдо бўлади, шаҳарлар таназзулдан чикади. Шу тарика, янги тузум шаклланади. Савдо-хунармандчилик манзилгохлари карвон йўллари бўйида жойлашади. Тадқиқотчи Асқаровнинг изланишлари бўйича улар орасидаги масофа карвон тўхташ вактлари учун мўлжалланган ва 22-24 км дан ошмаган. Бу оралик масова Буюк Ипак йўлида кундуз куни ҳаракатланиш масофаси, яъни 25-30 км га яқиндир.[7] Мана шундай карвон йўли ўтган ва V-VI асрларда Зарафшон дарёси қуйи оқимида жойлашган Марв шахрини мисол қилиб олиш кифоя. Ушбу шахар худудида бир неча асрлар мобайнида қальалар мавжуд бўлиб, асосан Зарафшон дарёси сув оқими жойларида жойлашган ва табиийки бу сувдан фойдаланиш ва ирригациянинг ривожланишига хизмат қилган.Хозирги Марв шахри яни Туркманистон Республикаси худудида жойлашган ва буни қадимий ва хозирги харитада таққослаб кўриб чиқамиз.



1-расм
МАРВ РЕЖАСИ VI-XIX АСРЛАР

[6] Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии.- М: 1950.
[7] Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана Т.: 2014. - С. 12



2-расм
МАРВ ШАХРИ РЕЖАСИ
(ХОЗИРГИ ХАРИТАДА)

Қадимги Марв шахри худудини яхшилаб ўрганадиган бўлсак илк Гяур-қалья (шахристон) VI-X асрларда мавжуд бўлганини ва кейинчалик ғарбга томон шаҳар силжиб Султон-қалья шахристон XI-XIII асрларда мавжуд бўлган.



3-расм

Бундан ташқари худди шу асрда Шаим-қалья шарқ томонда қад ростлаб, аҳоли учун яна бир марказ шаклланган. Аввал бу худудда ахоли Зарафшон дарёси сувидан фойдаланишган ва дарё ўзани Марв худудигача оқиб келган , кейинчалик Моварауннахр худуди кенгайиши ва ахолининг сувга бўлган талаби ошишининг хисобига Зарафшон сув оқими камайиб борган. Ушбу шахар қарийб XV-XVI асрларгача Зарафшон сувидан фойдаланишган ва сувнинг камайиши,ахолининг ортиши ва деҳқончиликнинг кенгайиши хисобига Марвга сув келиши тўхтайди, энди Марв шахри секин аста жануби-ғарб томон сурилиб, Мурғоб



4-РАСМ

дарёсидан кундалик эхтиёжлар учун ишлата бошлашган.3-расмга эьтибор қаратсак хозирги худуддаги Зарафшон дарёси қадимда Марв шахригача келганини ва бу хозирги кунда Туркманистон республикаси худудига тўғри келишини кўришимиз мумкин. Бошланғич нуқтаси Тожикистон

республикаси Сўғд вилоятининг тоғли худудларидан бошланиб Марвгача етгани харитада тикланган. 3-4 -расмларда Марв шахри хозирги харита бўйича жануби-ғарб томон анча

силжиган ва Серахс шахри хам жануби-ғарб томонга силжиб борган: бунинг асосий сабаби қилиб Зарафшон дарёсининг кейинчалик Марв шахригача оқиб бормагани ва секин аста ахоли Мурғоб дарёси томон кўчганини яққол гувохи бўлиш мумкин. Бундай катта катта шаҳарларнинг бир жойдан бошқа жойга сезиларли даражада катта силжиш қилиши хамма нарсага тасирини ўткизиши ва хатто тарих зарварақларини хам ўзгартириб юборадиган кучга эканини кўришимиз мумкин.

Зарафшон дарёси қадимда тўлиб оққан бўлса, кейинчалик ахоли кўпайиш хисобига ерлар ўзлаштирилиб, сувга бўлган эхтиёж ортиб борган ва Зарафшон дарёси хатто Амударёгача хам етиб бормаган.

Хулоса.

Хулоса қилиб, ирригация билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий тарихнинг айрим муаммолари, ирригациянинг тарихга, архитектурага, иштимоий хаётга ўзининг катта кучга эканини худди кўрсатгиси келгандек туюлади мени назаримда, мен қадимги суғориш ерларининг шаклланиш сабаблари ва уларнинг ривожланиш истиқболлари тўғрисида ҳам тўхталдим. Зарафшон дарё бўйларида қадимий суғориш ерларини ўзлаштиришда катта амалий аҳамиятга эга бўлган кўплаб иллюстратив материаллар: хариталар, режалар, фотосуратлар ва йиғма жадваллар топилган. Зарафшон дарёси қуйи оқимининг қадимий суғориш ишларини ўрганишда, шубҳасиз, катта илмий-услубий аҳамиятга эга.

Зарафшон водийси, хусусан, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро воҳасининг суғориш тарихини ўрганиш В.А.Шишкин ва Я.Ғуломовларнинг археологик тадқиқотлари туфайли бошланди. Бу борада В. А. Шишкиннинг илк ўрта аср Бухоронинг ажойиб обидаси, Бухорхудатлар қароргоҳи қолдиқлари, ўзининг ноёб девор расмлари ва алебастр ҳайкалтарошлиги археологик тадқиқотлари натижаларига бағишланган “Варахша” 30 монографияси катта илмий қизиқиш уйғотади. . В. А. Шишкин ишида суғориш тарихи масалалари тўғридан-тўғри ёритилмаган бўлса-да, китобда келтирилган Варахша атрофида жойлашган қадимий суғориш ерларининг археологик ёдгорликларининг кенг кўламли кўриб чиқилиши суғоришнинг динамикаси ҳақида умумий тасаввур беради. Ғарбий Бухоронинг бу қадимий деҳқончилик воҳасининг ривожланиши тарихи Я.Ғ.Ғуломов; А.Р.Муҳаммаджоновлар томонидан кўп йиллар давомида Зарафшоннинг суғориш тарихи масалаларини ўрганишган.

References:

1. “История орошения низовьев Зарафшана” А.Р.Мухамеджанов.1973.7-б
2. Т.Маматмусаев. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши.-Т.:2019.-44 б.

3. Ш.Шайдуллаев, Т.Аннаев. Сурхандарё тарихидан лавхалар.-Т.: 1997
4. Мукимова С.Р .Основы сохранения и использования памятников архитектуры и градостроительства
5. Таджикистана - Бишкек: 2011.
6. Т.Маматмусаев. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши.-Т.:2019.-59 б
7. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии.- М: 1950.
8. Аскаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана Т.: 2014. - С. 12
9. "История орошения низовьев Зарафшана" А.Р.Мухамеджанов.1973. 7-б
10. Qodirovna, O'. D., Shoisoyev, I. Kenjayevich, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Conferencea, 143-145.
11. Shoisoyev, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot, 1(23), 38-40.
12. Шоисаев, И., & Ўроқова, Д. (2022). ТОШКЕНТ ЭСКИ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ. PEDAGOGS jurnali, 3(2), 67-76.
13. Шоисоев, И. К. (2020). ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И АРХИТЕКТУРА МИРЗАЧУЛЯ В ЭПОХУ РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ. In КУЛЬТУРОЛОГИЯ, ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ И ФИЛОЛОГИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ И НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ (pp. 65-69).
14. Шоисоев, И. К. (2020). ДРЕВНИЕ ПАМЯТНИКИ МИРЗАЧУЛЯ. In КУЛЬТУРОЛОГИЯ, ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ И ФИЛОЛОГИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ И НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ (pp. 27-32).
15. Qodirovna, O. D., Shoisoyev, R., & Kenjayevich, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Conferencea, 143-145.
16. Shoisoyev, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot, 1(23), 38-40.
17. Kadyrovna, O. D. (2022). SAMARKANDNING IRRIGATION SYSTEM. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(10), 83-89.
18. Zokirovna, Y. F. (2022). Architecture of Uzbekistan: Past and Present. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 7, 190-193.

INNOVATIVE ACADEMY